



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NOMIDAN ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Куйичирчиқ тумани 2022 йил 24 октябрь 4-1103-2201/xxxx-сонли иш

Куйичирчиқ туманлараро иқтисодий судининг судьяси SSSSSSSSнинг раислигида, судья ёрдамчиси К.К.ККККККККнинг котиблигида, аризачи XXXXXXXXXXXXнинг жавобгар XXXXXXXXXXXXнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни 10 кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризани тарафлардан аризачи XXXXXXXXXXXX ишончли вакили XXXXXXXXXXXX (ишончнома асосида) иштирокида, иш ҳужжатлари билан Куйичирчиқ туман давлат солиқ инспекцияси маъмурий биносида очик, сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, куйидагиларни,

### АНИҚЛАДИ:

XXXXXXXXXX (кейинги ўринларда "Аризачи" деб юритилади) судга ариза билан мурожаат қилиб XXXXXXXXXXXX (кейинги ўринларда "Жавобгар" деб юритила-ди)нинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни 10 кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Жавобгар бугунги суд муҳокамасида иштирок этмади шунингдек, суд муҳокамасини унинг иштироксиз кўриб чиқиш юзасидан мурожаат қилмаган.

Суднинг аризани иш юритишга қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрими электрон маълумотлар базаси орқали жавобгарнинг шахсий кабинетини(юриманзили)га юборилган.

Бундай ҳолатда суд, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринларда "ИПК" деб юритилади) 128, 220-моддаларига кўра, ишни унда мавжуд материаллар асосида жавобгар (вакили) иштироксиз кўришни лозим топди.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи XXXXXXXXXXXX ишончли вакили XXXXXXXXXXXX аризадаги важларни такрорлаб, жавобгар XXXXXXXXXXXXнинг бир неча бор шахсий кабинетига электрон шаклда хабарнома ва огохлантириш хатлари юборилган бўлса-да, белгиланган муддатларда жавобгар томонидан 2022 йил август ойи учун ТТТТТТ тури бўйича ҳисобот тақдим этилмаганлигини, 10 кунга қадар ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиш юзасидан қарор қабул қилинганлигини, аммо жавобгар томонидан ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бартараф этилмаганлигини баён қилиб, аризани қаноатлантириб беришни сўради.

Суд, ишда иштирок этган аризачи тараф вакилининг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, уни муҳокама қилиб, куйидагиларга кўра аризачининг аризасини қаноатлантиришни лозим деб топади.

Иш ҳужжатларига кўра, XXXXXXXXXXXX томонидан 2022 йил 21 сентябрда XXXXXXXXXXXXга 2022 йил август ойи учун ТТТТТТ тури бўйича ҳисоботини тақдим этиш юзасидан NNNNNN-сон огохлантириш (хабарнома) хати юборилган



бўлса-да, ушбу огохлантириш хати жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилиб, ҳисоботлар тақдим этилмаган.

Шунингдек, XXXXXXXXXX томонидан 2022 йил 21 сентябрда XXXXXXXXXXга аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатига асосан банклардаги барча ҳисобварақлари бўйича операцияларини, ойлик иш ҳақи ҳамда бюджет ва мақсадли жамғармалар тўловларидан ташқари чиқим қисми 10 кунга тўхтатилганлиги юзасидан хабарнома берилган.

XXXXXXXнинг 2022 йил 21 сентябрдаги "Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш тўғрисида"ги қарорига асосан XXXXXXXXXX солиқ органига 2022 йил август ойи учун ТТТТТТ тури бўйича ҳисоботини белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этмаганлиги сабабли банклардаги барча ҳисобварақлари бўйича операцияларини, ойлик иш ҳақи ҳамда бюджет ва мақсадли жамғармалар тўловларидан ташқари чиқим қисми 10 кунга тўхтатилган.

Бироқ, аризачи томонидан бир неча бор ёзма хабарнома (огохлантириш) хатлари жавобгарга юборилган бўлса-да, жавобгар томонидан солиқ ҳисоботлари топширилмаган.

Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси 111-моддасининг 1-қисмига кўра, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкинлиги, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкинлиги, бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилиши, ушбу модда 3-қисмининг 4-бандида эса юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ўзи кўрсатган манзилда йўқлигида қўлланилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Мазкур қонун талабига амал қилган ҳолда, аризачи судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни 10 кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси ИПҚнинг 217-моддасига мувофиқ, суд банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш билан боғлиқ ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш ваколатига эга эканлиги назарда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-да"ги ПФ-4609-сонли Фармонининг 8-бандида 2014 йил 1 июндан бошлаб, хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ, молиявий ҳисоботларни тақдим этмаслик ва уларни кўрсатилган манзилда йўқлиги ҳолатларида уларнинг тижорат банкларидаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш давлат солиқ хизмати органлари томонидан фақат суднинг тегишли қарори асосида амалга оширилиши

рда тутилган.



XXXXXXXXXXнинг 2022 йил 24 октябрдаги маълумотномасига асосан XXXXXXXXXXXX томонидан ҳуқуқбузарлик ҳолати бартараф этмаганлиги маълум қилинган.

Ушбу ҳолатлар, жавобгар томонидан солиқ тўловчи сифатида мажбуриятини бажарилмаганлиги аризачи томонидан жавобгарга юборилган хабарнома ва бошқа иш ҳужжатлари билан ўз тасдиғини топади.

Шу сабабли суд, аризачининг аризадаги важларини асосли деб топиб, аризани қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб суд, аризачининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни 10 кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризасини қаноатлантиришни, суд харажатларини ундириш масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодекснинг 118-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси "Давлат божи тўғрисида"ги Қонунининг 9-моддаси 1-қисмининг 19-бандида аризачи ва жавобгар - ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўловидан озод этилганлигини инобатга олиб, суд харажатларини ундирувсиз қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-179, 217, 220, 222-моддаларини қўллаб, суд

### **Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :**

Аризачи XXXXXXXXXXXXнинг аризаси қаноатлантирилсин.

Жавобгар XXXXXXXXXXXXнинг тижорат банкларидаги барча ҳисобварақларининг кириш қисми ва бюджет тўловлари ҳамда иш ҳақидан ташқари, харажат қисми бўйича операциялари ҳуқуқбузарлик бартараф этилгунга қадар тўхтатиб қўйилсин.

Жавобгар XXXXXXXXXXXX томонидан ҳуқуқбузарлик оқибатлари бартараф этилгандан сўнг жавобгарга хизмат кўрсатувчи банк ва XXXXXXXXXXXX зиммасига жавобгарнинг банк ҳисобварағини очиб бериш мажбурияти юклатилсин.

Суд харажатлари ундирувсиз қолдирилсин.

Мазкур ҳал иқлув қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ўтгач қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қароридан норози томонлар 10 кун ичида шу суд орқали Тошкент вилояти судига апелляция тартибида шикоят берилиши (прокурор протест келтириши) мумкин.

**Судья:**

**SSSSSSSS**

